

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.31.05.2019.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АХМЕДОВА МЕҲРИНИГОР БАҲОДИРОВА

**ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ «МАЪНАВИЯТ» ВА ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ
“SPIRITUALITY” УМУМИЙ СЕМАЛИ АТОВ БИРЛИКЛАРИ
ТИПОЛОГИЯСИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро–2019

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Philological Sciences**

Ахмедова Меҳринигор Баҳодировна

Ўзбек тилидаги «маънавият» ва инглиз тилидаги “spirituality” умумий семали атов бирликлари типологияси..... 5

Ахмедова Меҳринигор Баҳодировна

Типология номинативных единиц с общей семой «маънавият» («духовность») в узбекском и “spirituality” в английском языках..... 24

Akhmedova Mehrinigor Bahodirovna

Typology of common semantic units of «manaviyat» in Uzbek and “spirituality” in English 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 49

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.31.05.2019.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АХМЕДОВА МЕҲРИНИГОР БАҲОДИРОВНА

**ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ «МАЪНАВИЯТ» ВА ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ
“SPIRITUALITY” УМУМИЙ СЕМАЛИ АТОВ БИРЛИКЛАРИ
ТИПОЛОГИЯСИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Fil571 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (buxdu.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Менглиев Бахтиёр Ражабович,**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Хайруллаев Хуршидjon Зайниевич,**
филология фанлари доктори, доцент

Қамбаров Носир Мансурович,
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги PhD.31.05.2019.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 20__ йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, Муҳаммад Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0365) 221-29-14, факс: (0365) 221-27-57, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, Муҳаммад Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0365) 221-29-14).

Диссертация автореферати 20__ йил «__» _____ кuni тарқатилди.

(20__ йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.К.Бакаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., доцент

Н.Ф.Қосимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.ф.д.(PhD)

М.М.Жўраева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д. (DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тил ва маданият муаммоси, тилда миллий, маънавий ходисаларнинг акс этиши, тил ва маънавият яхлитлигига доир илмий-назарий қарашларни умумлаштириш масаласига алоҳида диққат қаратилмоқда. Тил ходисаларида акс этган маънавий «мағиз»ни очиш, тавсифлаш ва таълим-тарбия жараёнида жамият аъзолари онгига уларни сингдириб боришда тилшуносликнинг аҳамияти жуда катта. Лингвомаънавиятшуносликда янгича усулда миллий тилларда акс этадиган маънавий унсурларнинг лингвистик асосларини аниқлаш, тил ва маънавият алоқадорлиги, «маънавият» концептининг диахрон ва синхрон тараққиёти, миллий-маданий хусусиятлари монолингвистик ва қиёсий таҳлили долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Дунё тилшунослигида лингвокультурологиянинг илмий парадигмалари янгиланиши лисоний концептларнинг шаклланишида маданий қадриятларнинг ўрнини белгилаш, миллий тилларга хос концептосферанинг нутқий мулоқотга таъсирини аниқлаш ва диахрон концептологияга оид тадқиқотларни янада жадаллаштирди. Натижада «маънавият» концептининг лингвомаданий ва лингвокогнитив хусусиятлари ойдинлаштирилиб, унинг семантик типлари таснифланди ҳамда ҳар бир гуруҳдаги номинатив бирликларнинг функционал хоссалари аниқланди. Бу эса бир-биридан ижтимоий-маданий жиҳатдан фарқ қиладиган турли қурилишли тилларда амал қилувчи «маънавият» атов бирликларининг тил, маданият ва маънавиятдаги яхлитлигини тадқиқ этишнинг назарий асосларини белгилаб берди. Жаҳон тилшунослигининг бу назарий концепциялари тил бирликларига хос морфологик, структур ва миллий-лисоний хусусиятларни ўзбек ва инглиз тили материаллари асосида чоғиштирма тадқиқ қилишнинг кенг имкониятларини очди.

Ўзбек тилшунослигида XX аср охири XXI аср бошларида юз берган ва бераётган ўзгаришлар натижасида миллий тил олдида қўйилаётган вазифаларни бажаришга кенг имконият ва шарт-шароитлар яратилиб, тилшуносликда турли концептларни ифодаловчи бирликларни тиллараро адекват қиёслашнинг лингвопрагматик тамойилларини ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш мақсадида «...илмий асосланган янги сўз ва атамаларни истеъмолга киритиш, замонавий атамаларнинг ўзбекона муқобилларини яратиш ва бир хилда қўлланишини таъминлаш; давлат тилини ривожлантиришга оид илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, бу соҳада халқаро ҳамкорликни амалга ошириш...»¹ вазифаларининг белгиланганлиги ҳам «маънавият» концептининг систем, структур, генетик хусусиятларини очиб бериш заруратини юзага келтиради.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон «Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида “spirituality” ва «духовность» тушунчасининг моҳиятини ўрганишга доир кўпгина тадқиқотлар амалга оширилган. Бундай ишлар жумласига Л.Ньюман, Р.Танйи, М.Мулдонн, В.Хилл, Д.Хав² каби инглиз тадқиқотчилари, Т.Гаак, С.Коннова, К.Колкунова, Т.Малевиц, Т.Огородникова, А.Вежбицкая, Ю.Степанов, Е.Верещагин, В.Костомаров, В.Воробьев, З.Попова, И.Стернин³ каби рус олимларининг ишларини қиритиш мумкин. Шунингдек, ижтимоий-гуманитар фанлар доирасида

²Newman L.L. Faith, Spirituality and Religion: A Model for Understanding the Differences. The College of Student Affairs Journal, volume 23, number 2, 2004. – P. 102.;Tanyi R. Nursing Theory and Concept Development or Analysis. Towards Clarification of the Meaning of Spirituality. – Blackwell Science Ltd, Journal of Advanced Nursing, EBSCO Publishing, 2002. – P. 500.; Muldoon, M., King, N. Spirituality, Health Care and Bioethics. – J.Relig. Health, 1995. – P. 34.; Hill, V. Spiritual Development in the Education Reform Act: A Source of Acrimony, Apathy or Accord. Brit. J. Educ. Stud.1989. – P. 37.; Hay, D., Reich, K.H.; Utsch, M. Spiritual Development: Intersections and Divergence with Religious Development. In The Handbook of Spiritual Development in Childhood and Adolescence.Sage Publications: Thousand Oaks, CA, USA, 2006. – P. 44.

³Гаак Т.П., Коннова С.М. Рассуждения о духовности: филологический аспект. Вестник ОГУ № 11,2012.173-182.; Колкунова К.А., Малевиц Т.В. Понятие «духовность» в современной Российской литературе. Вестник ПСТГУ. Богословие. Философия. 2014.Вып.6.– С. 72-88.; Огородникова Т.Г. Понятие «духовность». Сравнительный анализ представлений о духовности у людей с высшим и средним профессиональным образованием//Вестник Ленинградского государственного университета им. А.С.Пушкина, 2011. Т.5.№2. – С.21.;От лингвистики к мифу. Лингвистическая культурология в поисках «этнической ментальности» [Электронный ресурс]. Составитель Павлова А.В. –Спб: Антология, 2013.; Соловьева Н. И. Актуализация лингвокультурного концепта «Бык» в испанской языковой картине мира. Автореферат дисс. на соиск. уч. степ.кан. фил. наук. – М., 2009. <http://www.espanol-spb.ru/articles/autoreferat/>

«маънавият» муаммосига бағишланган қатор тадқиқотлар мавжуд⁴. Г.Тожиева томонидан ўзбек тили маънавий-маърифий лексикасининг мустақиллик йилларидаги тараққиёти⁵ ўрганилган, аммо ушбу муаммо доирасида бошқа тадқиқотлар амалга оширилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университетининг «Адабиётшунослик ва таржимашуносликнинг долзарб муаммолари: адабий жараён, қиёсий адабиётшунослик, услубшунослик ва тилшунослик масалалари» мавзусидаги илмий ишлар режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек ва инглиз тилларидаги «маънавият»/“spirituality” умумий семали атов бирликларининг моҳияти ва типологик фарқларини ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек ва инглиз миллий лисоний манзарасида «маънавият»/“spirituality” концептуал майдонини илмий-назарий асослаш;

қиёсланаётган тиллардаги «маънавият»/“spirituality” умумий семали атов бирликлари тизимини концептуаллаштириш ва унинг ижтимоий аҳамиятини белгилаш;

«маънавият»/“spirituality” умумий семали атов бирликларининг структур ва генетик хусусиятларини баҳолаш;

ўзбек ва инглиз тилларида маънавият категориясини ифодаловчи атов бирликларининг «шахс» концептуал майдонини шакллантиришдаги лисоний белгиларини кўрсатиш;

«маънавият»/“spirituality” умумий семали атов бирликларининг лексикографик хусусиятларини тавсифлаш;

«маънавият»/“spirituality” умумий семали атов бирликларини адекват таржима қилиш тамойиллари ҳамда усулларининг (тасвирий, трансформацион, калька, муқобил) аҳамиятини ойдинлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида луғат, бадий асар ва даврий матбуот саҳифаларидан олинган «маънавият» ва “spirituality” умумий семали атов бирликлари танланган.

Тадқиқотнинг предметини «маънавият» ва “spirituality” умумий семали атов бирликларининг систем, структур, генетик хусусиятлари, уларни таржимада бериш ҳамда лексикографик тавсифлаш муаммолари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, қиёслаш, компонент, дифференциал-семантик, дистрибутив таҳлил усулларидан фойдаланилган.

⁴Азизхўжаев А.А. Давлатчилик ва маънавият –Тошкент: Шарқ, 1997.– 240 б.; Имомназаров М., Эшмухамедова М. Миллий маънавиятимиз асослари. –Тошкент: Ислон университети, 2000. –360 б.; Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт модели. Монография. – Тошкент: Маънавият, 2005. – 192 б.; Қаршибоев М. Бунёдкор халқ ғояси. – Тошкент: Маънавият, 2001. – 270 б.

⁵Тожиева Г.Н. Ўзбек тили маънавий-маърифий лексикасининг мустақиллик йилларидаги тараққиёти («миллий ғоя» атов бирликлари): филол. фанлари бўйича фалс. докт. (PhD) диссер. автореф. Самарқанд, 2017. – 48 б.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбек ва инглиз лисоний тасвирида «маънавият» атов бирликларининг лексик, семантик, функционал ясаиш усулларининг умумбашарий (аксарият тиллар ва миллатлар тафаккурида мавжуд) ва хусусий (муайян тил ва миллатга тегишли) типологик қирралари асосланган;

ҳар иккала тилнинг ақлий, ҳиссий, ахлоқий каби «маънавият» тушунчаларини ифодаловчи бирликлар тизимида таянч (от), марказ (сифат) ва чекка (фезл) унсурлар мавжудлиги аниқланиб, уларда қўлланиш контексти таъсирида вазифа алмашинуви содир бўлиши исботланган;

«маънавият»/“spirituality” бирликларининг лисоний номутаносиблик ва лексик-концептуал бўшлиқ (лакуна)ларини тўлдиришнинг морфологик ва синтактик имкониятлари прагматик аспектда далилланган;

қиёсланаётган тилларда «маънавият» категориясини ифодаловчи концептуал бирликлар (виждон, эътиқод, самимият, муносабат, маърифат, ахлоқ) негизида ўзбек тилида содда таркиблилари, инглиз тилида эса содда ва ўзлашма турларининг функционал устуворлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«маънавият»/“spirituality” тушунчаларини ифодаловчи атов бирликларининг систем хусусияти тавсифи шакллантирилиб, бу тушунчаларни ифодаловчи атов бирликларини тилшунослик тизимида ва амалиётда қўллаш мумкинлиги асосланган;

«маънавият»/“spirituality” тушунчалари бўйича лингвомаънавий луғатлар тузиш тамойиллари ишлаб чиқилган, шу асосда «Маънавият атамаларининг ўзбекча-инглизча, инглизча-ўзбекча луғати» яратилган ҳамда магистратура ва бакалаврият босқичлари талабаларига тили ўргатилаётган мамлакат маданияти ва таржима амалиёти курслари бўйича машғулотларни ташкил этиш ва ўқув адабиётларини яратиш учун методик таъминот базаси шакллантирилган;

қиёсланаётган атов бирликлари тизимининг тикланиши уларнинг идеографик талқини, вазифа алмашувларининг ёритилиши эса прагматик талқин қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференциялар материаллари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулосаларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек ва инглиз тиллари лексикологияси ва лексикографияси, лингвомаънавиятшунослик бўйича назарий манба яратишда, дарслик ҳамда қўлланмаларни такомиллаштиришда, махсус курслар учун қўшимча материаллар беришда, ўзбек ва инглиз тилларининг замонавий академик ва ўқув луғатларини такомиллаштиришда фойдаланилиши билан изоҳланади. Тадқиқот натижасида олинган назарий

хулосалар турли қурилишли тиллар ички системаларида «маънавият» концептуал майдонини тадқиқ қилишда илмий манба сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундан мавжуд луғатлардаги изоҳ ва шарҳларни мукаммаллаштириш, лексикологик маълумотларни бойитишда кенг фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, аниқланган концептуал майдонлар таржима жараёнларида фикрни тўғри, теран, таъсирчан қилиб етказиш ҳамда оммавий ахборот воситалари томонидан ўзбек ва инглиз тилларида тайёрланадиган дастурлардаги нутқ равлони, аниқлиги ва ранг-баранглигини таъминлаш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек ва инглиз тилидаги «маънавият»/“spirituality” умумий семали атов бирликлари типологик таҳлили юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

ўзбек ва инглиз лисоний тасвирида «маънавият» атов бирликларининг лексик, семантик, функционал усуллар ёрдамида шаклланишига доир хулосалардан Ф1-ХТ-0-19919-рақамли «Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур таракқиётида тутган ўрни» мавзусидаги фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 3 июлдаги 89-03-2673-сон маълумотномаси). Натижада маънавиятга оид терминларнинг моҳияти аниқлаштирилган, илмий тавсифлаш ва тасвирлаш воситаларини таҳлил қилиш мезонлари ишлаб чиқилган, илмий адабиётларда ва изоҳли луғатларда «маънавият» категориясининг таркибий қисмларига доир назарий қонуниятларини очиқ беришга хизмат қилган;

тиллараро адекват таржима қилиш тамойилларининг умумбашарий (аксарият тиллар ва миллатлар тафаккурида мавжуд) ва хусусий (муайян тил ва миллатга тегишли) типологик қирралари асосланган маълумотлардан Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 4 июлдаги 02-22/5049-сон маълумотномаси). Илмий хулосаларнинг қўлланилиши ҳамроҳ-таржимонларнинг чет эл сайёҳларига тарихий материаллар мазмунини тўғри етказиб бериш билан боғлиқ фаолиятини самарали ташкил этишга хизмат қилган;

хар иккала тилнинг ақлий, ҳиссий, ахлоқий каби «маънавият» тушунчаларини ифодаловчи бирликлар тизими таркибий қисмлари шаклланишига доир хулосалардан Республика Маънавият ва Маърифат марказининг 2019 йилга мўлжалланган иш режаси дастурининг 1, 11, 20, 21-бандлари ижросини таъминлашда татбиқ қилинган (Республика Маънавият ва Маърифат марказининг 2019 йилнинг 8 июлдаги 02/010-910-19-сон маълумотномаси). Натижада ёшларни баркамол, маънавий етук қилиб тарбиялаш ҳамда «Маърифат» тарғиботчилар жамияти фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилган;

«маънавият»/“spirituality” бирликларининг таржималари, лексик-концептуал бўшлиқ (лакуна)ларни тўлдиришнинг махсус имкониятлари ҳақидаги маълумотлар «Маънавият атамаларининг ўзбекча-инглизча, инглизча-ўзбекча луғати»ни ишлаб чиқишда қўлланилган (ISBN 978-9943-06-632-8). Натижада мазкур луғат «5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш», «5111400 – Хорижий тил ва адабиёт», «5120200 – Таржима назарияси ва амалиёти» бакалавриат таълим йўналишлари талабалари таълими учун асос бўлиб хизмат қилган;

қиёсланаётган тилларда «маънавият» категориясини ифодаловчи виждон, эътиқод, самимият, муносабат, маърифат, ахлоқ, диёнат каби тушунчаларнинг фарқли ва ўхшаш жиҳатларига доир хулосалардан АКШнинг Реформед университетида 2-курс ёзма нутқ амалиёти дарсларида (College Writing II) фойдаланилган (Реформед университетининг 2019 йил 15 октябрдаги маълумотномаси). Натижада чет эллик талабалар учун маънавият атамаларини батафсил лингвистик ва маданий таҳлил қилиш имконияти вужудга келган, муайян ахлоқий қадриятлар ва эътиқодларга амал қилиш усуллари тушуниши учун манба бўлган;

маънавиятга оид атов бирликларини типологик аспектда лингвистик тадқиқ қилиш муаммоларини кўрсатиб берувчи материаллардан «Дунё бўйлаб» телеканалининг «Focus» кўрсатувида фойдаланилган (ЎзМТРКнинг 2019 йил 1 июлдаги 08-14-270-сон маълумотномаси). Натижада томошабинлар дунёқарашида маданиятлараро мулоқот, тиллараро алоқаларнинг миллий маънавиятга таъсир этиши ҳақидаги тасаввурларнинг пайдо бўлиши кузатилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 1 та луғат, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, шулардан, 5 та республика ҳамда 4 та хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Умумий ҳажми 142 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни

амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ўзбек тилидаги «маънавият» умумий семали атов бирликлари тизими, структур ва генетик хусусиятлари» деб номланувчи биринчи бобида ўзбек лисоний тасвирида «маънавият» категорияси, ўзбек тилида «маънавият» умумий семали атов бирликларининг структур ва генетик хусусиятлари ўрганилган ҳамда ушбу масалаларга муносабат билдирилган.

Ўзбекистон миллий мустақилликка эришгандан сўнг маънавият масаласи миллий муаммо, мустақил халқимизнинг тараққиёт шарти сифатида кун тартибига қўйилди. Икки томли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «маънавият» истилоҳининг йўқлигидан кўра ушбу масаланинг истиқлолгача қай ҳолатда эканлигини далиллайдиган кучлироқ асос бўлмаса керак. Бу луғатда «маънавий» сўзи берилгани (1-том, 454-саҳифа) унинг ижтимоий онгда фақат белги сифатида мавжуд бўлганлигидан, алоҳида борлик ҳодисаси мақомига эга бўлмаганлигидан далолат беради. Балки бу ҳолатга «маънавият» сўзининг рус ва бошқа европа тилларида аниқ муқобили йўқлиги ҳам сабаб бўлгандир.

Шўро даврида ўзбек халқи лисоний онгида «маънавият» концепти мавжуд бўлса-да, бу концептнинг лисоний «қобиғи», яъни ифодаси ижтимоийлашмаган эди. Бунга ўзбек тили бўйича изоҳли ва энциклопедик луғатлар материали асосида амин бўлиш мумкин. Ҳатто «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»⁶да «маънавият» лексемаси берилмаган эди. Бироқ луғатда «маънавий» лексемаси изоҳланган:

Маънавий (а) 1. Кишининг ички руҳий ҳаётига оид. Маънавий эҳтиёжлар. Маънавий ёрдам. *Ёш совет ўқитувчисининг ҳар бир иши зағчақўз домлага маънавий жиҳатдан ҳам, моддий жиҳатдан ҳам зарба эди.* П.Турсун, Ўқитувчи.

2. *айн. ахлоқий* Кишининг маънавий қиёфаси.

Ўзбек лисоний онгида «маънавият» концепти мавжуд бўлган дейишимизга сабаб шуки, бугунги кундаги янги талқинларда – изоҳли луғат, комусларда ушбу лексема ёки тушунча доирасида шарҳланаётган маъно, изоҳ ва тавсифларда қайд этилаётган тушунчалар янги даврдагина шаклланган деб бўлмайди. Жумладан:

Маънавият[а. *معنويت*] – ахлоқий ҳолат; барча ахлоқий нарсалар, хусусиятлар/Инсониятнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадий, диний, ахлоқий ва ш. к. тасаввур ва тушунчалари мажмуи. *Маънавият – инсон, халқ, жамият ва давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди.* (газетадан.) .. *маънавиятимизга таъсир этувчи жиҳатлар шунчалик кўпки, уларни санаб, саногига ета олмаймиз.* (газетадан.) *Зеро, нақшбандия таълимоти – маънавиятимиз сарчашмаларидан бири ҳисобланади.* (газетадан) *Аждодларимиз фалсафаси ҳам маънавиятимиздир.*

⁶Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томли. 1- том. – М.: Русский язык, 1981.

(газетадан.) *Биз талабаларга Шарқ маънавиятининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни ҳақида ўргатамиз.* (газетадан.)⁷

Ўзбек тилидаги «маънавият» истилоҳи талқинидаги ҳар хилликнинг сабабини ҳодисанинг кўпроқ реалия эканлиги, бошқа тилларда унинг айнан муқобили мавжуд эмаслиги билан баҳолаш мумкин. Масалан, инглиз тилига маънавият ифодаси “spirituality”, рус тилига «духовность» атамалари билан таржима қилинади. Бироқ уларнинг лексикографик талқинлари моҳиятан «маънавият» ифодасига мос келмайди ва, одатда, тилимиздаги «руҳият» лексемасининг маъносини беради. Эътибор қилинг: «*Духовность*, – и, ж. Свойство души, состоящее в преобладании духовных, нравственных и интеллектуальных интересов над материальными»⁸. Лекин «духовность» ўзбек тилига айнан таржима қилинса, «маънавият» эмас, «руҳият» ёки «руҳоният» бўлади ва психология, аниқроғи, диний психология билан боғланиб кетади.⁹ Шунинг ўзиёқ ифода моҳиятининг миллий ментал хусусиятга эгаллиги, кўпроқ эътиқодий реалия эканлигидан далолат беради. Маълумки, реалияларнинг таржимаси имконсиз бўлиб, одатда, у изоҳлар асосида айнан бериш йўли билан амалга оширилади.

Ўзбек тилшунослигида профессор Ш. Раҳматуллаев «маънавият» атамасининг этимологик талқинида кўпроқ унинг шаклига эътибор қаратиб, маъновий моҳиятини маълум даражада мавҳум қолдиради: «*Маънавият* – бу арабча сўз *ma'naviyat* (un) шаклига эга (АРС, 546); ўзбек тилига айн ўрнига *ь* (айириш) белгисини қўйиб, таркибидаги *й* товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: *ma'naviyat* – маънавий+ат (маънавият); бу сўз маънавий(ун) сифатидан – ат(ун) қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (УАЯ,500), «кишининг руҳий ҳолати» маъносини англатади»¹⁰. Талқиндаги «руҳий ҳолат» психологик тушунча сифатида англашилганлиги ва унда рус тилидаги «духовность» ҳамда инглиз тилидаги «spirituality» лексемаларининг умумий маъноларига ишора сезилганлиги учун ҳам мазкур фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмайди.

Ўзбек фанида файласуф А.А. Эркаев «маънавият» атамасининг мазмун-моҳиятига семантик ва этимологик нуқтаи назардан ёндашади. Олимнинг фикрича, маънавият, унинг ўзаги «маъна» ҳам, қадимги ҳинд фалсафасининг асосий тушунчаларидан бири бўлмиш «маънас» тушунчасига бориб тақалиши мумкин, яъни араб тилидаги «маъна» унинг таъсирида мазмунини кенгайтирган бўлиши мумкин»¹¹.

Бунда олим «маънас» санскритча эканлиги ва «ақл» деган маънони бериши, қадимги ҳинд фалсафасининг таянч тушунчасидан бири сифатида онгнинг барча кўринишлари, ҳолати ва фаолияти – ақл, фаҳм-фаросат, хиссиёт, туйғу, сезги, ирода кабиларнинг манбаи эканлигига, «Ригведа»

⁷Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 2- жилд. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2006. – Б.556.

⁸Ожегов С.И., Шведова Н.Ю. Тольковый словарь русского языка. – М.: Русский язык, 1986. – С.816.

⁹Эркаев А.П. Маънавият ва тараққиёт. – Тошкент: Маънавият, 2009.– Б.8.

¹⁰Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Тошкент: Университет, 2003. – Б.253 – 254.

¹¹Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт. – Тошкент: Маънавият, 2005. – Б.11.

талқинларида у юракда жойлашган деб тасаввур қилинишига таянади¹². А. Эркаев бу сўзнинг араб тилига ўтишини ҳинд ва араб халқининг қадимги илмий ҳамда маданий алоқаларидан қидиради. Баён этилган фикрлар, албатта, бу асоснинг лисоний илдизларини янада чуқурроқ ўрганиш, сўзларнинг бир тилдан бошқа тилга ўтишига доир тарихий эволюцион жараёнларни таҳлил ва тадқиқ қилишни тақозо этади.

Ўзбек тилшунослигида «маънавият» тушунчаларини ифодаловчи воситалар, шахс маънавиятига тегишли жиҳатлар, категориянинг синхрон тизимли ҳолатини тавсифлаш кабилар ҳозирги замон ўзбек миллий маънавиятини такомиллаштириш учун зарур бўлган лисоний таъминотни шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Ажратилган сўз ва бирикмалар (*уят, уюшқоқлик, ўқимишли, уқувли, фаросат, виждонли, диёнат, иймон, ақлли*) «маънавият» концептининг муҳитини ташкил этиш учун хизмат қилади.

Ўзбек тилидаги «маънавият» умумий семали атов бирликларининг структур ва генетик хусусиятлари, умуман олганда, тилимиздаги барча атов бирликлари билан муштаракликка эга бўлса-да, бироқ бу тизимда генетик жиҳатдан ўзлашма арабий (*интизом, иффат, латофат, лутф, маданият, марҳамат, ақл, виждон*); форсий (*камтар, сипо, хокисор, ширинсухан, пок, художўй, меҳрафшон* каби) атов бирликларининг ўрни кенгрок; улар структур жиҳатдан ҳам маълум даражада соддалиги билан фарқланади.

Ўзбек тилшунослигидаги атов бирликларини тарихий-этимологик жиҳатдан ўз ва ўзлашма қатлам бирликларига ажратиш йўлидан бориб, «маънавият» атов бирликлари категориясини дастлаб икки ички микроtizимга бўлиш мумкин: ўз қатлам бирликлари (*уят, танти, иноқ, интилиш, кечирим, уқимоқ, ўқиган, уятчанлик*) ва ўзлашма қатлам бирликлари (*фаросат, фаҳм, хушахлоқ, хушмуомала, хуштавозе, ҳикматли*). Ўз қатлам бирликлари ўзбек тили лексик бойлиги ёки умумтуркий захира бўлиши мумкин. «Маънавият» лексик-семантик категориясига доир сўзлар содда (*инсонийлик, инсофли, номус, номусли, одамийлик, ориф, онглилик*) ва мураккаб (*саховатпешалик, раҳмдиллик, меҳнатсеварлик, адолатпеша, хушсухан, обод қилмоқ*) турларга бўлинади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «**Инглиз тилида “spirituality” умумий семали атов бирликлари тизими, структур ва генетик хусусиятлари**» деб номланган бўлиб, унда инглиз тилининг Вебстер, Кембридж ва Оксфорд луғатлари ва бошқа манбаларда «маънавият» концептининг муқобили бўлган “spirituality” сўзига берилган таърифлар таҳлил қилинди.

“Spirituality” термини тафаккур ва хулқ етуклигини англатишдан кўра кўпроқ диний эътиқод, эътиқод мустаҳкамлиги каби тушунчаларга яқин туради. Дарҳақиқат, инглиз тилининг Вебстер изоҳли луғатида “spirituality” сўзига қуйидагича таъриф берилади: “*of the spirit or the soul as distinguished from the body or material matters*”¹³ (p.1373) Яъни тана ёки моддий нарсалардан ажратилган руҳ ёки қалбга оид. Шунингдек, ушбу

¹²Философский энциклопедический словарь. – М., 1993. – С.337.

¹³Merriam Webster Dictionary. New Edition, Springfield, MA, – 2016. – P. 124.


лексемадан сўнг луғатда “*spiritual character, quality, or nature*” (p.1373) (маънавий хусусият, сифат ёки табиат) деган тушунчалар келтирилади.

“Spirituality” асосида ётган “spirit” сўзи «руҳ» маъносини ифодалагани сабаб ушбу сўз аслида «маънавият» эмас, «руҳият» дея таржима қилиниши мақсадга мувофиқ. Аммо руҳ инсон феъли, унинг ўзлигини англатар экан, ушбу номоддий категорияларнинг энг аъло шаклдагиси юксак маънавият белгиси сифатида қабул қилиниши лозим. Шу жиҳатдан “spirituality” истилоҳи «маънавият» сўзига эквивалент сифатида қабул қилиниши мумкин. Бироқ “spirituality” ўз таркибида «маънавият» сўзидаги каби ижобий бўёқдорликка эга эмас. Ушбу сўз нисбатан нейтрал маънони ифодалайди ва унинг нейтрал маъносини берадиган «руҳият» атамаси ижобий сифатланишга эҳтиёжманд. Яъни “spirituality” истилоҳи “high spirituality” дея сифатланганда «юксак руҳият» маъносини ифодалайди ва шу шаклда «маънавият» сўзининг айнан муқобили ҳисобланади.

“Spirituality” концептига дахлдор илмий тадқиқотларда ушбу тушунча қатор сифатловчи билан тавсифланади. Хусусан, “spirituality”нинг дастлабки хусусиятларидан бири унинг инсон шуурида туғма вужудга келишидир: “Human spirituality in a very real sense...unifies the whole person” and is “an inbuilt feature of the human species that develops from the beginning of an individual’s life (or not) depending on [prevailing] conditions”¹⁴. Яъни spirituality, том маънода, инсонни бир бутун шахс сифатида жипс ҳолда тутиб туради. У инсоннинг туғма хусусияти ва ташқи муҳитга боғлиқ (бўлмаган) ҳолда туғилиш онидан ривожлана бошлайди.

Инглиз тилида “spirituality” тушунчасини ақлий, ҳиссий ва ахлоқий характерга эга уч қиррали воқелик дея қабул қилиш ва шу асосда таҳлилга тортиш мақсадга мувофиқ.

1-жадвал.




Ушбу мураккаб концепт инглиз ва ўзбек тилларида қатор категориялардан ташкил топганлигини кузатамиз. Хусусан, мазкур концепт доирасига *self-development* (шахсий такомиллашув), *emotion* (ҳиссиёт),

¹⁴ Hay D.; Reich, K.H.; Utsch, M. Spiritual Development: Intersections and Divergence with Religious Development. In the Handbook of Spiritual Development in Childhood and Adolescence. Roehlkepartain, E.C., King, P.E., Wagener, L.M., Benson, P.L., Eds.; Sage Publications: Thousand Oaks, CA, USA, 2006. – P.44.

enlightenment (маърифат), *responsibility* (масъулият), *conscience* (виждон), *faith* (эътиқод), *aim* (мақсад), *development* (тараққиёт), *ethics* (ахлоқ) кабилар киреди.

Қуйидаги жадвалда (2-жадвал) ҳар иккала тилнинг ақлий, ҳиссий, ахлоқий каби «маънавият» тушунчаларини ифодаловчи бирликлар тизимида таянч (от), марказ (сифат) ва чекка (феъл) унсурлар мавжудлиги кўрсатиб берилган.

2-жадвал.



“Spirituality” тизимига кирувчи сўзларнинг кўпчилиги сўз ясовчи кўшимча ва префикслар ёрдамида бошқа грамматик категорияга ёки ушбу воситалар ёрдамида бошқа туркумдан ҳозирги тизимига ўтади; бу атов категорияни ташкил этувчи бирликлар келиб чиқиш этимологиясига кўра соф (*shame* – уят, *faith* – эътиқод, *belief* – ишонч, *honesty* – ростгўйлик, *truth* – ҳақиқат, *kindness* – меҳр) ёки ўзлашган бирликлар (*ideology* – мафкура, *spirituality* – маънавият, *conscience* – виждон) гуруҳига бўлинади.

Инглиз тилидаги “spirituality” атов бирликлари тадқиқидан маълум бўладики, мазкур бирликларнинг кўпчилиги асрлар давомида инглиз тилига бошқа тиллардан тўлалигича ўзлашган; уларнинг баъзиси шаклий, грамматик ва маъновий ўзгаришларга учраган. Чунончи, “spirituality” ифода бирликлари генетикасига хос бўлган асосий белгилардан бири ушбу сўзларнинг аксарияти лотин тилидан ўзлашганлигидадир. Бироқ айнан маънавият тушунчасини ифодаловчи “spirituality” сўзи инглиз тилига бевосита лотин тилидан эмас, балки бошқа бир тил воситасида кириб келган. Лотин тилида эса ушбу сўзнинг бирламчи шакли “spirituality” сўзидан бир қадар фарқли эканлигини кўрамиз. Зеро, Оксфорд изоҳли луғатларидан бирида “spirituality” сўзи асосида ётган “spirit” сўзининг келиб чиқишига доир қуйидаги маълумот бор: “Middle English: from Anglo-Norman French, from Latin spiritus ‘breath, spirit’, from spirare breathe”¹⁵.

¹⁵Oxford English Dictionary. Second edition, 20 volumes, UK, 1989.–21728 p.; The Concise Oxford Dictionary. 12th edition. –Oxford University Press, 2011.– 1696 p.; The New Oxford Dictionary of English. – Oxford University Press, UK, 2010. – 2112p.; Angus Stevenson, Christine A. Lindberg. New Oxford American Dictionary. Third edition.–Oxford University Press, UK, 2010. – 2096 p.; The New Shorter Oxford English Dictionary on Historical Principles.–Oxford University Press; Revised edition. November 9, 1995. –3840 p.

(Мазмуни: «Сўзнинг келиб чиқиши ўрта инглиз тили даврига тўғри келади ва у француз тилининг Англо-Норман шаклидан ўзлашган, ўз навбатида, бу тилга лотин тилидан кириб келган ва дастлаб “spirare” сўзи «нафас олмоқ» маъносини ифодалаган).

Юқоридаги сўз этимологияси изоҳидан англашиладики, лотин тилига мансуб ушбу бирлик кейинчалик бошқа тилларда, хусусан, инглиз тилида ҳам турли маъно қирралари билан бойитилган. Албатта, бу каби ўзгаришлар лотин тилидан кириб келган мазкур атов гуруҳидаги бошқа турли бирликларга ҳам оид. Зеро, истилоҳнинг шаклан ва луғавий жиҳатдан ўзгариши бир неча аср мобайнида юз берган, шу ўринда ушбу қатлам бирликларининг диний адабиётларда кўп учрашини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ушбу бирликларнинг жадал суръатларда бадиий адабиётга, халқ оғзаки мулоқотида кўчишида эса инглиз черковининг Фарбий Европа католик черковидан ажралиб чиқишини асосий омил сифатида таъкидлаш жоиз. Черковнинг ажралиб чиқиши натижасида кўплаб диний адабиётлар инглиз тилига таржима қилинган. Ўз навбатида, инглиз тилида ўзига хос “spirituality” концептосфераси шаклланган.

Шу ўринда мазкур бирликлар кўп асрлар мобайнида инглиз тилига бошқа тиллардан ўзлашганлигини, қолаверса, улар ўзлашган тил хусусиятига эга бўлиш билан бирга кўплаб шаклий, грамматик ва маъновий ўзгаришларга учраганлиги аниқланган. Бу концепт таркибининг асосини ташкил қилган барча унсурлар, ўз навбатида, фонетик (*unit – unite – united – unique*), морфологик (*spirit – spiritual, spiritually, spirituality, inspire* (руҳ – руҳий, руҳиятга оид, руҳият/маънавият, руҳлантирмоқ) ва луғавий (*helpful – ёрдами тегадиган, унумли, united– бирлашган, friendly – дўстона*) ўзгаришларга учраганлиги маълум бўлди. Инглиз тилида “spirituality” категориясининг генетик таснифи, ясаилишига кўра (деривацион) таҳлили, шунингдек, тузилиш жиҳатдан (структур) таҳлили барча тилларда мазкур қатлам ифода бирликларини тартибга солиш, категориялаш ва таснифлашда ўзига хос андоза вазифасини ўтайди.

Ишнинг «**Маънавият» ва “spirituality” умумий семали атов бирликларининг ўзаро таржимаси ҳамда лексикографик талқини муаммолари»** деб номланувчи учинчи бобида икки тилдаги «маънавият» категориясига доир атов бирликларнинг лексикографик талқини муаммолари таҳлилга тортилган.

Ўзбек тилидаги «маънавият» категорияси ифода бирликлари икки йирик гуруҳга (биринчи гуруҳга «ахлоқ» (*хулқ-атвор, тарбия, таълим, фаросат, муомала, нафс*), иккинчи гуруҳга эса «онг» умумий семали бирликларига (*тафаккур, ақлий фаолият, идрок, тушунча*) бўлинган ва таржимада қайси гуруҳга оидлигига қараб энг яқин муқобили танланиши зарурлиги таъкидланган.

«Маънавият» категориясининг биринчи гуруҳига «ахлоқ» умумий семали бирликларни киритиш мумкин. Бу гуруҳ ифода бирликлари инсон хулқ-

атвори ва ахлоқига, тарбия ва тарбиялаш жараёнига боғлиқ тушунчаларни ўз ичига олади. Фикримизни мисоллар асосида исботласак:

1-мисол.

<i>Ўзбек тилида</i>	<i>Инглиз тилида</i>
<p>Сен шоҳсану, аммо <i>нафсингга</i> мағлуб ва хорсан, у гадо бўлса ҳам, <i>нафсини</i> ўзига асир этган. То тирик экансиз, ҳар иккингишнинг ҳолингиш шундай кечади. У гадо ва сен шоҳнинг яшаш тарзингиш шундайдир. Ўлганингиздан кейин эса у – шоҳ, сен эса – гадо бўласан. Чунки сен <i>маст</i> эдинг, у эса <i>тўғри йўлдан борувчидир</i>¹⁶.</p>	<p>You are the king in your country, but a slave for your <i>cupidity</i> within your soul. And my friend is a slave and a beggar who doesn't have a penny, but he is the King for <i>cupidity</i> and never obeys it. Your ways of life are quite different from each other. You're the King today, when you're alive, but you will be a slave when you die. He is a slave for God's will today, when he is alive but will be the king when he dies hope to God. Because you're <i>bilious and dishonest</i> and he is <i>honest</i> enough, I think¹⁷.</p>

Юқоридаги парчада келтирилган «нафс» тушунчаси ўзбек маънавиятининг марказий концептларидан биридир. Тушунча замирида нисбатан салбий маъно англашилади. Академик А.Рустамов «Сўз хусусида сўз» китобида «нафс»нинг қуйидаги хусусиятларини тавсифлайди: «Нутқда *нафс* сўзи ҳайвонларга, асосан, инсонга нисбатан ишлатилиб, кишининг ўз жисмоний эҳтиёжларини қондиришга бўлган интилишини англатади. Агар бу одамда меъёрдан ортиқ ёки ахлоқ доирасидан ташқари бўлса, ундай кишини «нафси ёмон» ёки «баднафс», ёхуд «нафсини тиёлмаган» киши деб атайдилар. Агар нафси меъёр ва ахлоқ доирасида бўлса, бундай одамларни «нафси яхши» ёки «некнафс» дейиш мумкин. Агар нафсоний талаби меъёридан кам бўлса, бундай киши «нафси ўлик» ёки «нафсини тийган киши» дейилади. Инсонда ақл бўлгани учун нафсини бошқара олади. ... Нафсини тия олган шахснинг инсонлиги, нафсини тиёлмаганнинг ҳайвонлиги ортиқ бўлади»¹⁸.

Юқоридаги матндаги «нафси бузук» бирикмаси «нафс» сўзининг салбий маъносини бир қадар аниқроқ ифодалайди. Таржимада эса айти шу бирикмадан фойдаланилган. Парчанинг тарбиявий аҳамияти бирмунча юқори савияда ва аниқ. Ўқувчи бир марта ўқиб керакли маънони илғай олади. Унинг инглиз тилидаги таржимаси ҳам асл вариантыдагига ўхшаган ҳолда соф таржима қилинган. Жумладан, қуйидаги сўзлар фикримизни исботлаб беради:

¹⁶Навоий А. Ҳикоятлар. Олтинчи ҳикоят. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2011. –Б.17.

¹⁷Hikayats of Alisher Navoi. 6th hikoyat. Translated by Hafisa Allanazarova.–Tashkent: Mumtoz so'z, 2011.– P.18.

¹⁸Рустамов А. Сўз хусусида сўз. –Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – Б.14.

нафс – cupidity;
маст – bilious and dishonest;
тўғри йўлдан борувчи – honest.

Таржимон *маст* сўзини ўғирап экан, *bilious and dishonest* бирикмасидан фойдаланади. Бундаги *bilious* сўзи аслида *кўнгилни оздирадиган, беҳузур қиладиган* деган маънога эга. Аслиятда эса муаллиф *маст* сўзини қахрамоннинг жирканч эканлигига эмас, балки унинг тафаккури мудроқлигига ишора сифатида қўллайди. Шу сабаб таржимадаги бирлик воқеликнинг асл моҳиятини тўлақонли очиб бермайди. Балки, шу сабабдан, таржимон бу сўз маъносини икки сўз зиммасига юклаган бўлиши мумкин. Зеро, бирикманинг иккинчи қисми бўлган *dishonest* сўзи *ёлғончи, қаллоб* деган маъноларни ифодалайди ва шу маъновий қирралари сабабли аслият моҳиятига бир қадар яқин келади. Фикримизча, айти ҳолатда *маст* сўзи ўрнига *besotted* сўзини қўллаш мақсадга кўпроқ мувофиқ. Шунингдек, парча сўнгидаги *тўғри йўлдан борувчи* бирикмаси шунчаки биргина сўз билан таржима қилинган. Таржимада қўлланилган *honest* («ростгўй») сўзи бундан илгарироқ келган бирикма таркибидаги *dishonest* («ёлғончи») сўзи билан имлицит алоқага киришса-да, бу ўринда жумлани тўғридан тўғри *follower of the righteous path* дея таржима қилиш тўғрироқ. Зеро, мазкур жумлани фақат ўзбек миллий маънавий муҳитига хос реалия деб бўлмайди, унинг муқобили аксарият тилларда, жумладан, инглиз тилида ҳам мавжуд.

Ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилинган бир неча асар намуналарини шу нуқтаи назардан кўриб ўтамыз:

2-мисол.

Ўзбек тилида	Инглиз тилида
<p>...<i>Ношукур</i> экансиз, опа, – деди, – поччамдан нолишингиз яхши эмас, сизнинг ҳам бошингизга маним кунимни солса нима қилар эдингиз?</p> <p>– Мен ҳам Зайнаб бўлсам, албатта, солар эди, – деб кулди Хушрўй, – менга қолса ҳар ким ўз <i>нафсига яхшилиқ ёки ёмонлиқни ўзи</i> ҳозирлайдир...</p> <p>– Тавба денг, опа.</p> <p>– Мен шу чоқғача, – деди Хушрўй, – бандасига бош эгишни ва бандаси олдида <i>тавба қилишни ор билдим</i> ва орланишим орқасида ҳар кимнинг устида юрдим...</p> <p>– Катта гапирманг.</p> <p>– Катта гапирсам ва гапирмасам, – деди Хушрўй, – маним феълим ҳар</p>	<p>“You are <i>ungrateful</i>, sister,” she said reproachfully. “You should be the last to complain about your husband. What would you say if my lot fell to you?”</p> <p>“If I were Zainab, then most probably I would share her lot,” laughed Hushroi.”But I believe everyone is responsible for their own fate in life, that we all make our own <i>happiness or misery</i>.”</p> <p>“What talk is that?! Repent, sister!”</p> <p>“I have never bowed my head to anyone. In my opinion, it is <i>shameful to repent</i> before anyone, and that is why I walk over everyone’s heads.”</p> <p>“Oh, don’t exaggerate!”</p> <p>“Whether I exaggerate or not,</p>

кимга маълум ва ҳаммадан ҳам сенга очик... Кўйчи бу гапларни, ўзинг тинчмисан? – <i>Тинчлигим қурсин...</i> ¹⁹	everyone knows my character, you better than anyone! Let us drop this matter and talk about your affairs.” “ <i>To hell with them!</i> ” ²⁰
--	---

Мазкур парчада бир неча ахлоқий (ижобий ва салбий) бирликларни кўриш мумкин. Гарчи бу бирликларнинг баъзиси салбий маънога эга бўлса-да, умуман олганда, «маънавият» қатлами бирликлари сифатида қаралади. Демак, бундан келиб чиққан ҳолда, «маънавият» категорияси ифодалари даставвал икки йирик гуруҳга, яъни ижобий (маънавиятлилик) ва салбий (маънавиятсизлик) маъно бўёқдорлигига эга тушунчаларга ажратиб таснифланади.

